Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№44

2026-yil
4-noyabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ЎРГАНИШЛАР инсон манфаатлари устуворлигига хизмат қилмоқда





ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА



Аҳолини қийнаётган муаммоларни жойида ўрганиш, уларнинг ечими бўйича тегишли ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйиш, ислоҳотларнинг халқ ҳаётидаги амалий натижаларини таҳлил қилиш депутатлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шу мақсадда ўтган ҳафтада Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимиз ҳудудларида ўрганишлар ва аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказишди.

Бу жараёнларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш каби кундалик ҳаёт билан бевосита боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

► (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҲАР БИР МУҲОКАМА ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Жамият кутаётган ўзгаришлар ва эртанги кун учун муҳим қарорлар — буларнинг барчаси парламент муҳокамаларида ўз аксини топади.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда мамлакат тараққиёти, фуқаролар манфаатлари ва турли соҳалардаги долзарб масалаларга оид қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳими, ҳар бир муҳокама ортида муайян масъулият, ҳар бир қарор ортида эса катта мақсад мужассам.



► (Давоми 2-бетда)

ЎН ЙИЛЛИК ЙЎЛНИНГ ЕТТИ САБОҒИ

ЁПИҚ, МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВДАН ОЧИҚ БОЗОР ТИЗИМИГА ЎТИШДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон учун осон кечмади. Иқтисодиёт асосан аграр соҳага ихтисослашган бўлиб, қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши қарийб учдан бир қисмини ташкил этар эди.

► (Давоми 6-бетда)

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

АЛИМЕНТ – БОЛА ҲУҚУҚИ

бу ҳуқуқ сўзсиз таъминланиши шарт



Ҳар бир боланинг бахтли болалиги, аввало, ота-онанинг меҳри, эътибори ва масъулиятига боғлиқ. Афсуски, ҳаётда турли сабабларга кўра оилалар ажралиши мумкин, аммо бир ҳақиқат ўзгармайди: ота-оналик масъулияти тугамайди. Чунки бола учун ота ҳам, она ҳам азиз. Унинг тарбияси, таъминоти ва келажаги эса ҳар иккисининг зиммасидаги муқаддас бурчдир.

Алимент — шунчаки пул тўлаш эмас. Бу фарзанд олдидаги масъулият, унинг эртанги кунига қўшилаётган ҳисса, қонуний ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланишидир. Бу масалада ижтимоий адолатни қарор топтириш, қонун ижросини таъминлаш ва ота-оналарда масъулият ҳиссини кучайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги "Мунозара майдони"да айнан шу муҳим мавзу — алимент муносабатларидаги адолат, қонун устуворлиги ва энг муҳими, фарзанд тақдири олдидаги ота-оналик масъулияти ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилдики, сўнгги беш йилда алимент бўйича ижро ҳужжатлари сони 338 мингтадан 476 мингтага, яъни 138 мингта ёки 41 фоизга ошган. Бу алимент билан боғлиқ муносабатлар ва уларни мажбурий ижро этиш тизимига тушаётган юклама йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатади.

Масаланинг ижтимоий аҳамияти мурожаатлар статистикасида ҳам яққол намоён бўлади. 2023 йилда Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналарига алимент ундириш масаласида 69 058 та, 2024 йилда эса 72 642 та мурожаат келиб тушган. Шу билан бирга, МИБ ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар ҳам 8 038 тадан 11 425 тага кўпайган.

► (Давоми 5-бетда)

ОГОҲЛИК

АТОМДАН-ДА ХАВФЛИ ҚУРОЛ

ОНГИМИЗ УЧУН КЕЧАЁТГАН КЎРИНМАС ЖАНГ

Ўзбек адабиётининг забардаст вакили Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», деб ёзган эди. Бугунги рақамлаштириш ва глобаллашув асрига келиб эса оддий бир ахборот атомдан-да хавфлироқ қуролга айланди. Агар атом бомбаси шаҳарларни, биноларни вайрон қилса, ахборот инсонларнинг онгини, жамиятнинг ишончини ва миллий қадриятларни емиради.

Ҳар куни интернет тармоғидан фойдали янгиликлар, илм-фан ва бизнесга оид чексиз маълумотларни оляпмиз, бу рост. Лекин ахборот оқимининг бу қадар тезлашуви ва чегарасизлиги танганинг иккинчи томонидан ўтиб қарашга ҳам мажбур қилади.

► (Давоми 8-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҲАР БИР МУҲОКАМА ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)



ЛИЗИНГНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШ-ТИРИЛМОҚДА

Мажлисда дастлаб якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг олиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида лизинг объектини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш ҳам белгиланган. Унга кўра, лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобга олинади. Лизинг олувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолларда эса лизинг объекти лизинг берувчининг балансида ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг объектини ҳисобга олиш билан боғлиқ талабларни такомиллаштириш ҳамда лизинг шартномаларининг ҳуқуқий аниқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳужжатда назарда тутилган нормалар тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, молия бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг узлуксиз тизимини шакллантиришга замин яратади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИДА ЯНГИ ЁНДАШУВ

Шундан сўнг интеллектуал мулк ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, муаллифлар манфаатларини таъминлаш ва соҳадаги ҳуқуқий механизмларни замон талабларига мослаштириш масалалари парламент муҳокамасида бўлди.

Депутатлар интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Ушбу ҳужжат интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ходим томонидан яратилган асарлар ёки дастурий маҳсулотларга бўлган мулкий ҳуқуқларни тартибга солишда томонларнинг шартномавий эркинлиги таъминланмоқда. Хусусан, хизмат асарларига оид мулкий ҳуқуқларнинг ўн йилдан кейин автоматик равишда муаллифга ўтиши ҳақидаги норма бекор қилиниб, ушбу муносабатларни шартнома асосида белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизаси қарорларидан норози бўлган шахсларга Апелляция кенгашига мурожаат қилиш билан бир қаторда, бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу фуқаролар ва тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуқларига оид патентларнинг амал қилишини сақлаб қолиш учун давлат божини олдиндан тўлаш имконияти яратилмоқда. Бу ҳуқуқ эгалари учун қўшимча қулайликлар яратиш ва интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланиш учун айни муддаодир.

Мажлисда таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ҳимоя механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий муҳит яратиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

> ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, МАЗКУР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЕНГИЛЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ АНИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲУДУДЛАРДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса тадбиркорлар олдидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этиш, уларга қулай шарт-шароит яратиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга йўл очиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш фақат ишлаб чиқариш ҳажми билан эмас, балки табиий ресурслардан, айниқса, сувдан оқилона фойдаланиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, бугунги тежамкорлик эртанги тараққиёт, барқарор фаровонлик ва келажак авлодлар манфаатларининг муҳим кафолатидир.

Мажлисда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, солиқ имтиёзларини қўллаш механизмларини соддалаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадларини ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларини солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини рағбатлантириш ҳамда ҳудудларда ишбилармонлик фаоллигини оширишга қаратилган асосий нормалар ўз аксини топган.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлар учун назарда тутилган енгилликлардан самарали фойдаланиш, солиқ муносабатларида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ҳамда ҳудудларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ОЙЛАР ЭМАС, КУНЛАР ҲИСОБИДА

Бугунги кунда миграция жараёнлари тобора фаоллашиб, мамлакатлар ўртасидаги меҳнат ва ижтимоий алоқалар кенгайиб бормоқда. Бундай шароитда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларнинг мамлакатимиз ҳудудида бўлиш тартибини шаффоф ва тушунарли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Миграция соҳасидаги ҳар бир тартиб-қоида нафақат давлат органлари фаолияти, балки юртимизга келаётган инсонларнинг кундалик ҳаёти, ҳуқуқ ва манфаатларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис бу борадаги қонунчиликнинг аниқ, изчил ва замон талабларига мос бўлиши долзарб вазифалардан биридир.

Айниқса, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча оворагарчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқий тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва масъул идоралар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш самарали миграция тизимини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ялпи мажлисда депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

> МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАР БИР ТАРТИБ-ҚОИДА НАФАҚАТ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ, БАЛКИ ЮРТИМИЗГА КЕЛАЁТГАН ИНСОНЛАРНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИГА ҲАМ БЕВОСИТА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ. ШУ БОИС БУ БОРАДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ АНИҚ, ИЗЧИЛ ВА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛИШИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР.

Қонун лойиҳаси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш муддатлари аниқлаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчиликда ойлар билан белгиланган муддатлар кунлар ҳисобида ифодаланиб, рўйхатдан ўтказиш муддатларини ҳисоблашда аниқликни таъминлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинларнинг олдини олиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги давлат органларининг ваколатлари ҳамда номланишини амалдаги ташкилий тузилмага мувофиқлаштириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, «миграция ва фуқароликни расмийлаштириш» тушунчаси «миграция ва персоналлаштириш» тушунчасига алмаштирилиб, қонунчилик ҳужжатларида ягона ёндашув таъминланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ноқонуний меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг олдини олиш, миграция соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР, САНОАТ ВА САВДО ВАЗИРИНИНГ ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИГА ЖАВОБИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Депутатлар инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л. Қудратовнинг «Ҳудудларда чет эл инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, инвестициявий самарадорликни баҳолаш ва инвесторлар билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги парламент сўровига жавобини кўриб чиқишди.

Тақдим этилган жавобга кўра, 2026 йилнинг январь–сентябрь ойларида 44,3 млрд АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция ва кредит маблағлари ўзлаштирилган. Шу даврда қиймати 3,8 млрд доллар бўлган 106 та йирик лойиҳа ишга туширилиб, 13,8 мингта иш ўрни яратилган.

Шунингдек, инвестиция лойиҳалари ижросини рақамли мониторинг қилиш, уларда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, махсус иқтисодий зоналар бошқарувини такомиллаштириш ҳамда давлат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитлардан самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тақдим этилган жавобда махсус иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилгани, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш чоралари мамлакатимизнинг халқаро савдо мажбуриятларига мувофиқлаштириб борилаётгани баён қилинган.

Депутатлар инвестициялар самарадорлигини фақат ўзлаштирилган маблағлар билан эмас, балки яратилган қўшилган қиймат, барқарор бандлик, маҳаллий кооперация ва аҳоли фаровонлигига таъсири орқали баҳолаш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, ҳудудларнинг мавжуд салоҳияти ва ихтисослашувидан келиб чиқиб, иқтисодий қайтими юқори лойиҳаларни танлаш, маҳаллий корхоналар билан кооперацияни кучайтириш ҳамда инвестиция ташаббусларини амалий натижага йўналтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мазкур масалалар юзасидан парламент назоратини амалга ошириш инвестиция соҳасида қонунчилик ижросини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда масъул давлат органлари фаолиятининг натижадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда парламент сўровига жавобда кўтарилган масалалар юзасидан атрофлича маълумотлар тақдим этилгани таъкидланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ТАДБИР





35 ЙИЛЛИК СИЁСИЙ ТАРИХ: ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

Жорий йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганига 35 йил тўлиши муносабати билан партия Марказий Кенгашида тантанали тадбир ташкил этилди.

Унда ўтган йиллар давомида партиямиз мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллагани, ижтимоий давлат тамойилларини қарор топтириш ҳамда демократик ислоҳотларни татбиқ этиш жараёнларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси У.Иноятов 35 йиллик тарих келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор, бой сиёсий тажриба ва улкан масъулият мактаби эканини қайд этди. Ўз ғоя ва қадриятларимизга содиқ, замон талаблари билан ҳамнафас бўлиб, халқ билан мулоқотни янада кучайтириш, инсон қадрини улуғлаш, имкониятлар тенглигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қатъият билан давом эттириш лозимлиги билдирилди.

Тадбир давомида партия тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона меҳнати учун бир гуруҳ фахрий ва фаолларга «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ифтихори» кўкрак нишони тантанали равишда топширилди. Ушбу эътироф партиянинг шаклланиши ва ривожланишида ўз меҳнати, билим ва тажрибаси билан из қолдирган, шунингдек, бугунги ижтимоий-сиёсий майдонда партия ғояларини кенг жамоатчиликка етказишда намуна бўлаётган сафдошларимизга юксак ҳурмат ифодасидир.

Очиқ мулоқот тарзидаги тадбирда фахрийлар ўзлари меҳнат қилган йилларни ёдга олиб, жамоа билан ҳамжиҳатликда амалга оширилган ташаббуслар ва эришилган натижалар ҳақида сўзлаб, янги ёш авлод кадрларига тавсиявий насиҳатларини беришди. Фахрийлар ва ёшлар ўртасида доимий мулоқотни янада изчил йўлга қўйишга келишиб олинди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Ўзбекистон ХДПнинг тиббий хизмат соҳасида илгари сураётган ғоялари аҳолининг барча қатламлари учун тиббий хизматдан тенг фойдаланиш имкониятини яратиш, давлатнинг ижтимоий масъулиятини ошириш, тиббий суғурта тизимини ривожлантириш, дори-дармонлар нархини тартибга солиш ва тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш каби муҳим йўналишларни қамраб олади. Бу ғоялар бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида жадал суръатда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.



Ўтган ҳафтада давлат раҳбарининг Кўксарой қароргоҳида тиббиёт ва фармацевтика соҳаси ходимлари билан ўтказган учрашувида белгиланган вазифалар ҳам инсон саломатлигини асраш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканини яна бир бор тасдиқлади. Таъкидланганидек, инсоннинг оиласи бахтини кўриши, ҳалол меҳнат қилиб, орзуларига етиши ва умрини мазмунли ўтказиши учун, аввало, соғлиқ керак. Шу боис, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига муносиб тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳаёт сифатини оширишдан иборат қилиб белгиланган.

Шубҳасиз, сўнгги ўн йилда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилиш, тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш ва замонавий тиббиёт инфратузилмасини шакллантириш борасида салмоқли ишлар рўёбга чиқарилди. 10 миллион аҳолига хизмат кўрсатадиган янги поликлиника ва шифохоналар ишга туширилиб, 58 минг шифо ўрни яратилди. Замонавий тиббиёт муассасаларининг кўпайиши ва хусусий секторнинг ривожланиши натижасида тиббий хизматлар ҳажми уч карра ошди. Энг муҳими, илгари фақат хорижда бажарилган туғма юрак нуқсонларини даволаш, аъзолар трансплантацияси, робот жарроҳлиги ва бош миядаги мураккаб амалиётлар каби юздан зиёд тиббий хизматларни мамлакатимизда кўрсатиш имконияти яратилди. Бу ўзгаришлар миллий тиббиётнинг илмий ва амалий салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, беморларнинг ўз юртида даволаниш имкониятлари кенгайиб, тиббий хизматларнинг сифати ва қамровини ошириш учун янги шароитлар юзага келмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат шундаки, Ўзбекистон бугунга келиб хорижлик фуқароларга ҳам юқори технологияли тиббий хизмат кўрсатувчи йирик минтақавий хабга айланиб бормоқда. Миллий статистика агентлигининг энг сўнгги расмий маълумотлари ҳам мамлакатимизнинг тиббий жозибадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётганини исботлайди. Агар 2021 йилда юртимизга даволаниш мақсадида 32 минг 400 нафар чет эл фуқароси ташриф буюрган бўлса, 2025 йил якунига кўра, бу кўрсаткич 86 минг 199 нафарга етган. Жорий йилнинг дастлабки саккиз ойида эса 46 минг 157 нафар хорижлик юртимиз шифохоналарида соғлиғини тиклаган.

Ҳар бир инсоннинг ўз вақтида, сифатли ва молиявий жиҳатдан қулай тиббий ёрдам олиши, аҳолининг тиббий хизматдан қониқиш даражаси ва саломатлик кўрсаткичларининг яхшиланиши – бу соҳадаги ислоҳотлардан кутилаётган пировард натижа ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ХДПнинг аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган ғоялари тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги муҳим йўналишлардан бири бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни кенгайтиришдир. Чунки инсон саломатлигини асрашда касалликни даволаш билан бир қаторда, унинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Президент учрашувида 28 та туманда синовдан ўтказилган янги тизим доирасида 7 миллион аҳоли оилавий шифокорларга бириктирилгани, лабораториялар ишга туширилгани, шифокор ва ҳамшираларнинг ўқитилгани қайд этилди. Ушбу моделнинг келгуси йилдан яна 100 та туманда жорий этилиши бирламчи тиббий ёрдамнинг қамровини кенгайтиришга хизмат қилади.

Кафолатланган тиббий хизматлар тўплами доирасида амбулатор беморларга 69 турдаги дори воситасининг бепул берилаётгани ҳам аҳолининг тиббий харажатларини камайтиришга қаратилган муҳим чоралардан биридир. Келгуси йилдан бепул бериладиган дори воситалари турини 73 тага, тиббий текширувлар турини эса 36 тага етказиш режалаштирилган. Бу чоралар, айниқса, доимий тиббий назоратга муҳтож ва ижтимоий ҳимояталаб аҳоли қатламлари учун муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, ҳозирги даврда юртимиз аҳолиси ўртасида қандли диабет, инфаркт ва инсультга чалиниш ҳолатлари юқори. Шунга кўра, республикамиздаги бешта ҳудуд (Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Тошкент шаҳри)да юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш дастури амалга оширилиши самарасида бу хасталиклардан эрта ўлимнинг 15 фоизга камайгани, 855 нафар инсоннинг ҳаёти ва саломатлигини сақлаб қолишга эришилгани профилактик тиббиётнинг амалий аҳамиятини кўрсатади. Келгуси йилдан ушбу дастурнинг барча туман ва шаҳарларда жорий этилиши тиббий хизматларнинг ҳудудий қамровини янада оширади.

Тиббиёт соҳасида ижтимоий адолатни таъминлашда дори-дармонлар нархини тартибга солиш, ижтимоий дорихоналар фаолиятини ривожлантириш ва аҳолининг зарур дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш ҳам алоҳида ўрин тутади. Фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг 70 фоизини ички имкониятлар ҳисобидан қоплаш мақсадининг белгиланиши мамлакатнинг фармацевтика соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Сўнгги йилларда соҳада 1 миллиард долларлик 330 та янги фармацевтика қувватининг ишга туширилиши, ҳудудларда фармацевтика эркин иқтисодий зоналарининг ташкил этилиши ва уларда 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилаётгани ички фармацевтика бозорини ривожлантириш учун муҳим замин яратмоқда. Бу жараён келгусида дори воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг зарур фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш имконини беради.

Тиббий ислоҳотларнинг муваффақияти, аввало, малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга боғлиқ. Президент учрашувида таъкидланганидек, қанча замонавий клиникалар қурилмасин ва энг сўнгги тиббий ускуналар олиб келинмасин, малакали ходимларсиз кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда 11 та давлат олийгоҳида йилига 15 минг шифокор тайёрланаётгани соҳа учун муҳим кўрсаткичдир. Келгуси йилдан тиббиёт талабаларининг ҳафтада уч кун беморлар билан ишлашни ўрганиши, битирувчиларнинг охирги ўқув йилини тиббиёт муассасаларида амалиётда ўтказиши кадрлар тайёрлаш сифатини ошириши аниқ. Шунингдек, ҳамширалар ва тиббиёт оғаларини рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш харажатларини давлат томонидан қоплаш, тор мутахассисликлар бўйича резидентура таълимини ривожлантириш каби чоралар тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлайди.

Замонавий тиббиётни сунъий интеллект, геномика, биотехнологиялар ва рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода кардиология, гепатология, офтальмология ва гематология каби йўналишларда сунъий интеллект тизимларини жорий этиш режалаштирилгани мамлакатимиз тиббиётининг инновацион ривожланишига муҳим қадамдир. Бундай технологиялар касалликларни эрта аниқлаш, тиббий маълумотларни таҳлил қилиш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бироқ замонавий технологияларни жорий этиш билан бирга, беморларнинг ҳуқуқлари, тиббий маълумотлар махфийлиги, инсоннинг розилиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳам айни пайтда долзарб. Учрашуда бу масалага диққат қаратилгани бежиз эмас. Айтиш мумкинки, эндиликда тиббиёт муассасалари фаолиятида аҳолининг фикри ва тиббий хизматдан қониқиш даражасини ҳисобга олиш механизмларининг жорий этилиши тиббий хизмат сифатини халқимиз талаблари даражасига олиб чиқишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Тиббиёт — бу жамият барқарорлиги, миллат соғломлиги ва мамлакат келажаги билан чамбарчас боғлиқ бўлган стратегик соҳа. Бу соҳадаги ҳар бир ўзгариш ва янгиланиш бевосита ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдор. Шундай экан, янги тиббий ислоҳотлар бугун ўзининг амалий исботини топиб боришида фақат соҳа ходимлари эмас, барчамиз бирдек масъулликни ҳис қилишимиз ҳаётий заруратдир.

Ф.ИБРОҲИМОВА.

ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ЎРГАНИШЛАР

инсон манфаатлари устуворлигига хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)



ПОЙТАХТ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ирина Токарева масъуллар билан биргаликда Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Зулфизар ва Юсуф Саккокий маҳаллаларида жамоат хавфсизлиги ҳолатини ўрганди.

Маҳалла — инсон ўзини, энг аввало, хавфсиз, хотиржам ва ҳимояланган ҳис қилиши лозим бўлган маскан. Шу боис ҳудудларда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли муаммоларига бефарқ бўлмаслик муҳим аҳамиятга эга.

Ўрганишлар давомида «маҳалла еттилиги» вакиллари ҳамда профилактика инспекторлари билан учрашувлар ўтказилиб, ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, профилактик ишларни самарали ташкил этиш ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бунда фақат содир этилган ҳуқуқбузарликларга муносабат билдириш эмас, балки уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, хавф омилларини олдиндан бартараф этиш ва аҳоли билан профилактик ишларни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Муҳим йўналишлардан яна бири ижтимоий ҳимоя масаласи бўлди. Бугунги кунда Зулфизар маҳалласида 360 нафар пенсионер ва 35 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Бу эса мазкур тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжларини мунтазам ўрганиш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш ва кундалик ҳаётда дуч келаётган қийинчиликларни ўз вақтида ҳал этишни талаб қилади.

Айниқса, ёши улуғ инсонлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар билан ишлашда манзилли ёндашув жуда муҳим. Чунки ижтимоий ҳимоянинг самараси фақат белгиланган ёрдам турлари билан эмас, балки инсоннинг реал эҳтиёжи қанчалик инобатга олинаётгани билан ҳам белгиланади.

Шунингдек, маҳаллалардаги хавфсизлик муаммолари, оилавий низоларни бартараф этиш, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан манзилли ишлаш ҳамда аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЖИЗЗАХДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги даромад манбаларини яратиш ва меҳнатга лаёқатли фуқароларни иқтисодий фаолликка жалб этиш ижтимоий соҳадаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Муқаддас Ўразалиева Жиззах вилоятининг Зомин туманида бўлиб, бандлик ҳолати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилган имкониятларни ўрганди.

Хусусан, туман ҳудудида жойлашган умумий майдони 110 гектар бўлган боғ фаолияти, унда ташкил этилган иш ўринлари ҳамда фуқаролар бандлиги борасидаги натижалар таҳлил қилинди.

Маълумотларга кўра, мазкур боғда 45 нафар фуқаро доимий, 100 нафар фуқаро эса мавсумий иш билан банд. Бу кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги нафақат маҳсулот етиштириш, балки аҳоли учун даромад манбаи ва бандлик имконияти сифатида ҳам муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Айниқса, кам таъминланган оилалар вакилларининг меҳнат фаолиятига жалб этилаётгани эътиборга молик.

Ўрганиш жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги имкониятларидан самарали фойдаланиш, эҳтиёжманд фуқаролар учун янги даромад манбаларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, депутат Муқаддас Ўразалиева соҳа мутасаддилари иштирокида фуқаролар билан учрашув ўтказди. Қабул давомида 5 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланди. Уларнинг 2 таси жойида ижобий ҳал этилди. Қўшимча ўрганиш ва муайян муддат талаб қиладиган 3 та мурожаат эса тегишли масъулларга бириктирилиб, уларнинг ижроси депутат назоратига олинди.

Аҳоли мурожаатларини эшитиш ва уларнинг ечимини назоратга олиш депутатлик фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Чунки ҳар бир мурожаат ортида муайян инсоннинг ҳаётий муаммоси, оиласининг эҳтиёжи ёки ҳал этилишини кутаётган масала туради. Шунинг учун уларга ўз вақтида ва қонуний асосда муносабат билдириш аҳоли ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Депутат томонидан, шунингдек, депутатлик танлови асосида белгиланган «Ёшлик» маҳалласининг Элобод ва Деҳқонобод кўчаларида «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ҳам ўрганилди.

Жараёнда кўчаларда бажарилган ишлар кўздан кечирилиб, ички йўлларнинг ҳолати ва аҳоли учун яратилган қулайликларга эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида йўл инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. Зеро, обод ва равон кўчалар, қулай инфратузилма аҳолининг кундалик ҳаётида сезиладиган муҳим ўзгаришлардан биридир.

ҚАРШИДА МАКТАБНИНГ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИГИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Таълим муассасаларида муносиб шароитларни яратиш, ўқувчиларнинг хавфсиз ва қулай муҳитда билим олишини таъминлаш ҳам доимий эътибор талаб қиладиган масалалардан. Айниқса, куз-қиш мавсумида мактаб биноларининг иссиқлиги, энергия ресурслари таъминоти ва моддий-техника базасининг ҳолати таълим жараёнининг узлуксизлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Имомназар Турсунов Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, муассасада яратилган шароитлар билан танишди.

Ўрганиш жараёнида мактабнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги, таълим муассасасини электр энергияси, кўмир, табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш ҳолати, ўқувчилар учун яратилган шароитлар ҳамда моддий-техника базаси кўздан кечирилди.

Шунингдек, мактаб ҳудудида ўқувчиларни сифатли ва ҳамёнбоп озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи ошхона ҳамда пиширик цехи фаолияти билан танишилди. Бундай хизмат кўрсатиш нуқталари ўқувчиларнинг кун давомида соғлом ва сифатли овқатланишини ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Ўрганиш давомида куз-қиш мавсумига тайёргарлик билан боғлиқ айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Мактаб биноларини мавсумга тўлиқ тайёрлаш, энергия ресурслари таъминоти узлуксизлигини таъминлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

НАВОИЙДА МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Таълим соҳасини ривожлантириш, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактабларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, педагоглар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Иба Наризова Навоий вилоятининг Конимех туманида мактабгача ва мактаб таълими соҳаси масъуллари билан учрашди.

Таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда нафақат ўқув дастурлари ва таълим жараёни, балки муассасалардаги мавжуд шарт-шароитлар, педагогларнинг меҳнат фаолияти ва болалар учун яратилган имкониятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, учрашувда таълим муассасаларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, болаларнинг сифатли таълим олиши учун муносиб шароитларни яратиш, педагогларни қўллаб-қувватлаш ва соҳадаги долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.


Таълим тизимидаги ҳар бир ижобий ўзгариш, аввало, болаларнинг келажаги, ота-оналарнинг ишончи ва жамиятнинг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ. Шу боис бу йўналишдаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, масъуллар билан ҳамкорликда уларнинг ечимини излаш муҳимдир.

Умуман олганда, ҳудудларда олиб борилаётган мазкур ўрганишлар депутатлик фаолиятининг аҳоли ҳаёти билан бевосита боғлиқлигини намоён этади. Маҳаллада хавфсизликни таъминлашдан тортиб, фуқаролар бандлигини ошириш, таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилаш ва аҳоли мурожаатларини ҳал этишгача бўлган масалаларнинг ҳар бири инсон манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

МУНОСАБАТ

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИДА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР



Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

Бугунги дунё таҳликали жараёнларни, чуқур трансформация даврини бошдан кечирмоқда. Халқаро кескинлик тобора кучайиб, тизимли иқтисодий инқироз белгилари намоён бўлмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистонда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг меҳнат миграцияси масалаларига бағишланган йиғилишидаги нутқи ва масъуллар учун белгилаб берган топшириқларидан келиб чиқиб, мазкур соҳада янги босқич бошланаётганини таъкидлаш мумкин.

Янги Ўзбекистон тараққиёти ҳақида сўз борганда, энг аввало, инсон капитали, сифатли касбий салоҳият ва инсон манфаатларини таъминлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон меҳнат бозорида малакали кадрларга талаб ортиб бораётган бир шароитда юртдошларимизни оддий ишчи кучи сифатида эмас, балки замонавий касб-ҳунарни эгаллаган, хорижий тилларни биладиган ва муносиб даромад топа оладиган мутахассислар сифатида тайёрлаш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Германиядан 45 минг мутахассисга буюртма келгани, аммо атиги 2 минг киши ишга жойлаштирилгани мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатади. Бу эса хорижий меҳнат бозорларини чуқур ўрганиш, иш берувчилар талабини аниқлаш ва фуқароларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини англатади. Техникумларда касб билан бирга хорижий тилларни ўргатиш, таълим муассасаларини хорижий иш берувчилар талабларига мослаштириш ва тадбиркорларни кадрлар тайёрлаш жараёнига жалб қилиш ташаббуслари муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда ҳар бир ҳудудда миграция марказларини ташкил этиш, немис тилини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш ва техникумларни йирик тадбиркорлар бошқарувига бериш бўйича белгиланган вазифалар таълимнинг амалий натижадорлигини оширишга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, хорижда меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимиз давлат ҳимоясида бўлиши юзасидан алоҳида вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси нуқтаи назаридан “Онлайн маҳалла” платформаси орқали мурожаатларни қабул қилиш, элчихоналарнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масъулиятини ошириш, хориждаги меҳнат стажини тан олиш ва пенсия ҳуқуқларини таъминлаш каби ташаббуслар фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Президент томонидан элчилар, ҳокимлар, Миграция агентлиги, техникумлар ва хусусий бандлик агентликлари олдига аниқ вазифалар қўйилди. Энди асосий масала — ушбу топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашдир. Бунда парламент ва жамоатчилик томонидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, ишга жойлаштирилган фуқароларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш, агентликлар, элчихоналар ва ҳудудлар фаолиятининг реал ҳолатини аниқлаш, фуқароларнинг мурожаатлари ва муаммоларини тизимли таҳлил қилиш муҳимдир. Бу механизмлар соҳадаги ислоҳотларнинг қоғоздаги вазифалардан амалий натижаларга айланишини таъминлайди.

Халқ вакили сифатида ушбу йиғилишда меҳнат миграцияси соҳасида белгиланган вазифаларни қўллаб-қувватлайман. Чунки ушбу ислоҳотлар инсон қадрини юксалтириш, аҳоли даромадини ошириш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва мамлакатимизнинг халқаро меҳнат бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Меҳнат миграциясининг асосий мақсади — фуқарони хорижга ишга юбориш эмас, балки унинг меҳнати қадрланадиган, ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган ва оиласи фаровон ҳаёт кечирадиган шароитни яратишдир.

Хорижда меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимиз ортида унинг оиласи, фарзандлари ва келажакка бўлган умидлари бор. Давлатнинг вазифаси эса ҳар бир фуқаро қаерда бўлишидан қатъи назар, ўз Ватани ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб яшашини таъминлашдан иборат.

АЛИМЕНТ – БОЛА ҲУҚУҚИ



бу ҳуқуқ сўзсиз таъминланиши шарт

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

2026 йил 13 март куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алимент масаласи аҳолидан энг кўп мурожаат келиб тушаётган йўналишлардан бири сифатида алоҳида кўрсатилди. Ўтган йилда алимент бўйича қарийб 70 мингта мурожаат келиб тушгани, уларнинг 30 фоизи асосан алимент тўловчининг расмий даромади мавжуд эмаслиги сабабли ҳал этилмай қолаётгани таъкидланди.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Бугунги кунда алимент билан боғлиқ муаммолар нималардан иборат?

Сўнгги йилларда алимент мажбуриятларини бажариш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, мажбурий ижро жараёнлари такомиллаштирилди, Мажбурий ижро реестри жорий этилди, алимент тўловлари билан боғлиқ жамғарма ташкил этилди. Шунингдек, алимент тўловчиларни ишга жойлаштириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Албатта, бу ислоҳотларни ижобий қадамлар сифатида эътироф этиш мумкин. Уларнинг муайян натижалари ҳам бор.

Эътибор берадиган бўлсак, 2024 йилда 2 триллион сўмга яқин алимент ундирилган бўлса, бу маблағ 2025 йилда 3,1 триллион сўмга ошди.

Шу билан бирга, 23 мингдан зиёд ишсиз алимент тўловчиларнинг ҳам муайян қисми ишга жойлаштирилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси нуқтаи назаридан алимент масаласига, аввало, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи сифатида ёндашиш муҳим ҳисобланади.

Партиямиз фракцияси ҳамда жойлардаги кенгашларимиз билан биргаликда олиб борган ўрганишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, алимент қарздорларининг барчасини бир хил тоифага киритиш ижтимоий адолат нуқтаи назаридан тўғри эмас.

Чунки алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахсларнинг ҳолати ва бунинг сабаблари турлича.

Биринчи тоифага меҳнат қилиш имкониятига эга бўлса-да, касбий малакаси етарли эмаслиги ёки меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олмаётгани сабабли барқарор даромадга эга бўлмаган шахслар киради.

Иккинчи тоифага эса алимент тўлаш имконияти бўла туриб, ўз мажбуриятларидан қасддан бўйин товлаётган, расмий даромадларини кам кўрсатаётган, норасмий даромадлари ёки мол-мулкини яшираётган шахслар киради.

Шунинг учун алимент масаласига нисбатан комплекс ёндашув асосида иш олиб боришимиз керак.

Аҳрор РУСТАМХЎЖАЕВ, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Миробод туман бўлими давлат ижрочиси:

- Бугунги кунда мавжуд 476 мингдан ортиқ алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича 592 минг нафар фарзанднинг таъминоти учун алимент маблағлари ундирилмоқда.

Албатта, алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган шахсларга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўрилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида республика бўйича Мажбурий ижро бюроси томонидан 13 минг 534 нафар қарздор маъмурий жавобгарликка тортилган.

Маълумки, бугунги кунда алимент тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич — маъмурий жавобгарлик. Бунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра чоралар қўлланилади.

Иккинчи босқич эса, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам алимент тўламаслик ҳолати давом этган тақдирда, Жиноят кодексига асосан жиноий жавобгарликка тортиш механизмидан иборат.

Алимент жамғармаси ҳисобидан тўланган маблағларнинг ҳам асосий қисми айнан жиноий жавобгарликка тортилган қарздорларга тўғри келади.

Яъни, амалдаги тартибга кўра, агар қарздор жиноий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам алимент тўлаш мажбуриятини бажармаса, белгиланган тартибда ушбу маблағлар Алимент жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Айтиш керакки, жамғарма ҳисобидан тўланган маблағларни қарздорлардан ўз вақтида қайтариб ундиришда қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан



бири — ушбу шахсларда доимий даромад манбаининг мавжуд эмаслигидир.

Албатта, улар жиноий жавобгарликка тортилганидан сўнг жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб қилинган тақдирда ҳам жамғарма маблағларининг фақат маълум бир қисмини қайтариб ундириш имконияти мавжуд бўлади.

Афсуски, бугунги кунда шундай ҳолатлар ҳам учрамоқдаки, айрим қарздорлар жиноий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам тегишли хулоса чиқармасдан, алимент тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини давом эттирмоқда.

Бундай ҳолатларда алимент маблағларини давлат томонидан тўлаб бериш механизми ишга тушади.

Амалдаги қонунчиликда қарздорни мажбурий меҳнатга жалб қилиш механизми мавжуд эмас. Муайян жиноят иши доирасида жазо тариқасида қарздорларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш мумкин. Лекин алимент тўламаётган қарздорларнинг барчасини мажбурий меҳнатга жалб қилиб бўлмайди.

Мажбурий ижро бюроси томонидан бандликка кўмаклашиш марказлари ва бошқа масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. 17 мингдан ортиқ қарздор фуқаролар меҳнат ярмаркалари, маҳалладаги «еттилик» ёки бошқа масъул ташкилотлар кўмагида ишга жойлаштирилган.

Агар шахс иқтисодий сабабларга кўра алимент тўлашдан бўйин товлаётган бўлса, албатта, бизнинг таклифларимиз, яъни ташкил этилаётган тадбирлар ва меҳнат ярмаркаларида фаол иштирок этади. Чунки бундай шахсларда ижтимоий-психологик тўсиқлар мавжуд эмас, уларнинг алимент тўлаш истаги бор, бироқ иқтисодий имконияти чекланган.

Умуман, жазо чораларини қўллашда ҳар бир ҳолатга индивидуал ёндашиш, суд томонидан қарздорнинг вазияти ва қилмишини инобатга олган ҳолда мутаносиб жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Наргиза ЮНУСОВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими:

- Биз бугун алимент масаласи, болаларнинг ҳуқуқлари ҳақида гапирар эканмиз, мазкур масаланинг кун тартибига чиқишининг ўзи оилаларда қандайдир муаммолар мавжудлигини, уларга жиддий эътибор қаратиш ва оилавий муносабатларга масъулият билан ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Оиладаги ҳар бир аъзо — ота-она, шунингдек, зарур ҳолларда учинчи шахслар билан ҳам қай даражада ва қандай тартибда ишлаш кераклиги ушбу масаланинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Бугун муҳокама қилинаётган алимент масаласига ҳам айнан шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Аввало, юқорида экспертларимиз ва соҳа масъуллари таъкидлаб ўтганидек, алимент — бу боланинг ҳуқуқи. Ҳуқуқ эса ҳеч қандай истисносиз таъминланиши шарт.

Оила ва хотин-қизлар қўмитасига келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2026 йил январь ойидан бугунги кунга қадар қўмитага алимент масалалари бўйича жами 241 та мурожаат келиб тушган.

Ушбу мурожаатларда алимент миқдорини қайта ҳисоблаш, алимент тўловчининг бедарак йўқолиши ёки хорижга чиқиб кетиши, шунингдек, алимент тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ масалалар кўтарилган.

Биз ҳар бир мурожаатни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўрганиб, муаммонинг ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Бу ердаги асосий мақсад — аёлнинг ҳам, энг аввало, фарзанднинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, боланинг муносиб яшаши учун зарур бўлган иқтисодий таъминотни таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, маҳаллада хотин-қизлар фаоли "маҳалла еттилиги"нинг аъзоси ҳисобланади. У оилада хотин-қизлар билан ишлаш, оилавий муносабатларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этади.

Биласиз, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Оила ва гендер илмий-тадқиқот



институти фаолият юритади. Ушбу институт билан ҳамкорликда «Масъулиятли ота-оналик» лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган.

Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) фаолиятининг мурожаатлар билан ишлаш сектори мудири:

- Болалар омбудсманига 2025 йилда боланинг моддий таъминот олиш ҳуқуқи билан боғлиқ жами 223 та мурожаат келиб тушган. Бу кўрсаткич 2024 йилга нисбатан юқори бўлиб, масаланинг долзарблигини яна бир бор кўрсатмоқда.

2026 йилнинг биринчи олти ойида 132 та мурожаат келиб тушган.

Бу тоифадаги мурожаатлар сони ортиб бораётганини бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Жумладан, аксарият ҳолларда давлат ижрочилари алимент тўловларини ундириш билан боғлиқ масалаларда, ундирувчи томонидан алоҳида мурожаат келиб тушмагунга қадар, ўз ташаббуси билан қарздордан алимент тўловларини ундириш ёки унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш бўйича зарур чораларни кўрмаётган ҳолатлар кузатилмоқда.

Бизга келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, оилада низо бошланганида, унинг энг оғир оқибатлари, афсуски, болага таъсир қилаётганини кўрамиз.

Бу ерда ота-оналаримиз бир муҳим ҳақиқатни яхши англаб олишлари керак. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, никоҳда ва никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳуқуқлари тенг таъминланади.

Афсуски, жамиятимизда бу борада ҳам муаммоли ҳолатлар учраб турибди. Буни очиқ айтишимиз керак. Хусусан, бола расмий никоҳда ёки бошқа никоҳ муносабатларида туғилганидан қатъи назар, айрим ота-оналар уларга нисбатан ўз мажбуриятларини бажаришдан қочишга уринадилар.

Натижада давлат органлари зиммасига оталикни белгилаш, боланинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва уни моддий таъминлашни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча вазифалар юкланади. Бу эса алимент ундириш жараёнида ҳам муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Бироқ бир нарсани унутмаслигимиз керак: боланинг ҳуқуқлари унинг қандай оилада, қайси шароитда туғилганига боғлиқ эмас. Ҳеч кимнинг бола ҳуқуқларини поймол қилишга, уни моддий таъминотдан маҳрум этишга ҳаққи йўқ.

Боланинг вояга етгунига қадар таълим-тарбия олиши, жисмонан, руҳан ва маънан камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши шарт. Агар ота-она ушбу мажбуриятларни бажармаса, буни ҳам болага нисбатан зўравонликнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мумкин эмасми?! Нега бундай ҳолатлар учун қонунда алоҳида жавобгарлик механизмларини янада кучайтирмаслигимиз керак?!

Ахир ота-она ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслиги лозим. Оила кодексида ҳам ота-онанинг бола манфаатларига зид ҳаракат қилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Агар ота-она боланинг манфаатларига зид ҳаракат қилаётган бўлса, бола ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан тегишли масъул идораларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ота-она боланинг манфаатларига зид ҳаракат қилаётган ёки бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлаётган ҳолатлар мавжуд бўлса, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокуратура ҳамда суд боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

Айнан шу механизмлар жамиятда самарали ишлаган тақдирдагина бола ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилишга эришишимиз мумкин.

***

"Мунозара майдони"да қизғин баҳслар бўлди, ўринли таклифлар айтилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари, экспертлар ва депутатларнинг фикрлари, савол-жавобларини тўлиқ баён этиш учун эса бир саҳифанинг ўзи камлик қилади. Энг муҳими, партия фаоллари, депутатлар қатъий туриб сайловчилар, электорат манфаатларини ҳимоя қилишди, эътирозларини билдиришди, таклифларини айтишди.

Муаммолар, таклифлар умумлаштирилиб, партия фракциясига ва тегишли ташкилотларга етказиладиган бўлди.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.



Нодирбек РАСУЛОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари.



НУҚТАИ НАЗАР

ЎН ЙИЛЛИК ЙЎЛНИНГ ЕТТИ САБОҒИ

ЁПИҚ, МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВДАН ОЧИҚ БОЗОР ТИЗИМИГА ЎТИШДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Саноатда хомашё қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш устун бўлгани учун истеъмол товарларининг кўпи бошқа республикалардан олиб келинарди.

Иттифоқда етиштирилган пахта хомашёсининг 60–65 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган. Аммо 4,5-5 миллион тонна пахта етиштирилса-да, толанинг атиги 7–10 фоизи ўзимизда қайта ишланар, қолгани арзон нархда четга кетиб, тайёр тўқимачилик маҳсулоти сифатида бир неча баравар қимматига яна мамлакатга олиб келиниб сотилар эди. Қўшилган қиймат асосан Россия, Украина ва Беларусда шаклланар, ерларнинг катта қисми пахтага ажратилгани боис қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш издан чиққан, тупроқ унумдорлиги пасайиб, ўғит ва пестицидлар меъёридан ортиқ ишлатиларди.

Ўша даврларда иқтисодий фаолият давлат режалари, ишлаб чиқариш топшириқлари ва марказлашган ресурс тақсимоти орқали бошқарилди. Корхона фойдаси унинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги даражаларига эмас, балки режани бажаришга қараб баҳоланди. 1996 йилдан кейин ЯИМ ўса бошлади. Лекин ўша даврдаги шароитни ҳам унутмаслик лозим. Хусусан, 1996 йилда валютани конвертация қилишга киритилган қаттиқ чекловлар натижасида расмий курс билан «қора бозор» ўртасида катта фарқ пайдо бўлди. Унга кўра валюта курсини давлат белгилар, қарор ва топшириқлар юқоридан келар, тадбиркорга жой тор, давлат мулки ҳукмрон, рақобат ўрнига монополия кучли эди. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиёт ёпиқ, маъмурий бошқарув ҳукмрон эди.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаганидан сўнг, Ўзбекистон ҳар бир соҳада ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Натижада мамлакат учун кўплаб оламшумул, тарихда қолажак ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, давлат ва халқ ўртасидаги яқинликка эришилди. 2017 йилдан иқтисодий сиёсатнинг йўналиши кескин ўзгарди. Бизнесга ўйлаб топилган чекловлар, лицензия ва рухсатномалар ўрнида эркин рақобат, яхшиланган бизнес муҳит ва давлат мулкини қисқартириш устувор бўлди. Бу ўзгаришларни маҳаллий экспертлар ҳам, халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. Мазкур ютуқлар, амалга оширилган ислоҳотлар ҳамда эришилган натижаларга қараб тарих учун қисқа бўлган Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йили натижаларини етти сабоқ орқали кўриб чиқамиз.

Биринчидан, иқтисодиётда кескин бурилиш даври бошланди. Эътибор берадиган бўлсак, сўнгги ўн йилда мамлакат иқтисодиёти тарихда кам кузатилган суръатда кенгайди. Ялпи ички маҳсулот 2016 йилдаги тахминан 61,6 миллиард АҚШ долларидан 2026 йилга келиб 147 миллиард доллардан ошди, яъни қарийб икки баравар кўпайди. Жон бошига ЯИМ 2 минг доллар атрофидан 3 минг доллардан юқори даражага чиқди. Ўсиш суръатлари сўнгги йилларда мунтазам 6–7 фоиз атрофида сақланди, бу ривожланаётган давлатлар ўртача кўрсаткичидан юқори ҳисобланади.

Демак, иқтисодий ўсиш ислоҳотлар қатъият билан ва изчил олиб борилгандагина барқарор бўлади.

Иккинчидан, нарх ва валюта курсини бозор белгилайдиган бўлди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, 2017 йил сентябрь ойида давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли валютанинг эркинлашуви иқтисодиётимизда бурилиш нуқтаси эди. Расмий ва «қора бозор» курслари орасидаги фарқ йўқолди, конвертация чекловлари олиб ташланди. Бугунга келиб доллар олиш ёки сотиш учун банкка бориб навбат кутиш, таниш-билиш қидириш керак эмас. Бу хизмат 24/7 режимда мавжуд. Шу билан бирга Марказий банк инфляцияни мақсадли даражага келтиришга йўналтирилган қатъий сиёсатга ўтди. Давлат банкларини хусусийлаштириш бошланди. Аҳоли учун пластик карталар, мобиль тўловлар ва масофавий банк хизматлари кундалик ҳаётнинг одатий қисмига айланди. Нархларни эркинлаштириш дастлаб оғир кечди ва бу аҳоли учун анча сезилди. Лекин бозорда товар танқислиги ва навбатлар тугади. Ўнлаб асосий товар ва хизматларнинг нархи бозор шартлари асосида шаклланди. Рақобатни ҳимоя қилиш қўмитаси, табиий монополияларни тартибга солиш ва давлат харидлари тизимининг очиқлиги бозордаги янги иштирокчиларга йўл очди. Савдо марказлари, онлайн майдончалар ва етказиб бериш хизматлари ички бозорни жонлантирди. Харидор учун энг катта ютуқ - танлаш имконияти пайдо бўлди. Шартни ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи қўядиган даврга ҳам етиб келдик. Бундан кўринадики, бозорни юқоридан келадиган қарор ва топшириқлар эмас, балки нарх ва рақобат бошқаргандагина танқислик ва навбатлар йўқолади.

> 2017 ЙИЛДАН ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИНГ ЙЎНАЛИШИ КЕСКИН ЎЗГАРДИ. БИЗНЕСГА ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН ЧЕКЛОВЛАР, ЛИЦЕНЗИЯ ВА РУХСАТНОМАЛАР ЎРНИДА ЭРКИН РАҚОБАТ, ЯХШИЛАНГАН БИЗНЕС МУҲИТ ВА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ УСТУВОР БЎЛДИ. БУ ЎЗГАРИШЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПЕРТЛАР ҲАМ, ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

Учинчидан, "мулк эгаси (мулкдор) кўпайса, иқтисодиёт кучаяди" ғояси илгари сурилди. Бундан 10–15 йил олдин иқтисодиётнинг асосий қисми давлат қўлида эди. 2017 йилда ислоҳотлар бошланганида давлатнинг иқтисодиётдаги улуши 55 фоиз атрофида бўлган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунга келиб 30-37 фоизгача қисқарди. Минглаб давлат корхоналари ва кўчмас мулк объектлари очиқ аукционлар орқали хусусий қўлларга ўтказилди. Мулкдор кўпайган сайин корхонани самарали бошқариш, иш ўринлари яратиш ва даромад олишга қизиқиш ортди. Энг муҳими, хусусий мулк ҳимояси қонун билан мустаҳкамланди. Тадбиркор учун энг катта тўсиқ идоралар ўртасида чопиш, сон-саноқсиз рухсатномалар олиш ва маҳсулотни турли стандартлардан ўтказиш эди. 2017 йилдан бундай йўналишда кескин тозалаш ишлари амалга оширилди. Натижада юзлаб ортиқча ҳужжат турлари бекор қилинди, лицензия ва рухсатномалар сони сезиларли қисқартирилди, кўплаб хизматлар электрон кўринишга ўтди. Инсон омили қисқарди. Солиқ тизими соддалаштирилиб, 2019 йилдан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ягона 12 фоизли ставкага келтирилди. Натижада кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётдаги энг тез ўсаётган ва энг кўп иш ўрни яратаётган қатламга айланди.

Тўртинчидан, "дунёга очилган иқтисодиёт ютади" – қоидаси Ўзбекистонда ишлай бошлади. Узоқ йиллар ёпиқ бўлган иқтисодиёт 2017 йилдан очилди. Ўзбекистон учун Марказий Осиё ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналишига айланди. Натижада қўшнилар билан чегара муаммолари, жумладан, Қирғизистон ва Тожикистон билан демаркация ва делимитация масалалари музокара йўли билан ҳал этилди. Транспорт йўлаклари очилди, авиа ва автобус қатновлари тикланди, виза тартиблари енгиллашди. Қўшнилар билан товар айирбошлаш ҳажми бир неча баробар ошди, қўшма инвестиция жамғармалари тузилди ва саноат кооперацияси лойиҳалари ишга тушди. Ташқи савдо айланмаси 2016 йилда тахминан 24 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2026 йилга келиб 81,2 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон маҳсулотлари энди юздан ортиқ мамлакатга етказилмоқда. 2021 йилнинг апрелидан мамлакат Европа Иттифоқининг «GSP+» имтиёзли савдо тизимидан фойдаланиш ҳуқуқини олди ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокаралар деярли якунига етди. 2016 йилга нисбатан 2025 йилда экспорт ҳажми 2,6 маротаба ошиб, 33,4 миллиард долларга етди. Муҳими, экспортда тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. 2025 йилнинг ўзида жалб этилган хорижий сармоялар 43,1 миллиард долларга етди. Энергетика, кон-металлургия, кимё, транспорт ва «яшил» энергетикада йирик халқаро компаниялар билан ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди. Ишончли ҳуқуқий кафолатлар, махсус иқтисодий зоналар ва солиқ имтиёзлари сармоядорларни жалб қилишда муҳим роль ўйнади. Бир сўз билан айтганда, очиқ иқтисодиёт кенгроқ бозор, кўпроқ сармоя ва янги технологиялар демакдир.

Бешинчидан, "хомашёни сотиш эмас, қиймат яратиш" тамойили иқтисодиётда хомашёни дастлабки ҳолатида экспорт қилиш ўрнига, уни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшимча иқтисодий қиймат яратишни англатади. Бошқача айтганда, мамлакат нафақат табиий ресурсларини сотиш, балки уларни қайта ишлаш, замонавий технологиялар билан бойитиш, дизайн, қадоқлаш, логистика, маркетинг ва хизматлар орқали ҳам даромад олиши керак. 2017 йилдаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим жиҳати бу - деҳқон ва фермер учун энг катта енгиллик сифатида пахта ва буғдой бўйича давлат буюртмасининг бекор қилиниши бўлди. Пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик тизими ислоҳ қилинди, кластерлар фаолияти кенгайди, сув тежовчи технологиялар жорий этилмоқда. Мева-сабзавот, қуритилган мева ва ёнғоқ экспорти бир неча баравар ошиб, Россия, Қозоғистон, Хитой, Яқин Шарқ ва Европа бозорларида ўз ўрнини топди. Қишлоқда асосий мақсад хомашёни фақат етиштириш эмас, қайта ишлаб, қўшимча қиймат яратишга айланди. Саноатда ҳам шу йўналишда ишлар давом эттирилди. Хомашёга йўналтирилган моделдан чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга босқичма-босқич ўтилмоқда. Тоғ-металлургия, кимё, электротехника, автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари соҳаларида янги заводлар ишга тушди, ҳудудларда саноатлашув жадаллашди.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган автомобиллар четга ҳам экспорт қилинмоқда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпайди, янги иш ўринлари яратилди. Хуллас, Ўзбекистоннинг бойлиги еростидаги табиий ресурслар ва пахта толасида эмас, уларни тайёр маҳсулотга айлантиришдаги лойиҳаларда эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Олтинчидан, инсонга сарфланган маблағ энг фойдали сармоя эканлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки билимли, соғлом ва малакали инсон иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади. У юқори унумдорлик билан ишлайди, янги технологияларни тез ўзлаштиради, тадбиркорлик ташаббусини кўрсатади ва даромад топиш орқали мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтиради. Бинобарин, таълим, соғлиқни сақлаш ва малака ошириш соҳасига киритилган ҳар бир сўм вақт ўтиши билан бир неча баравар кўп даромад, кучли иқтисодиёт ва ижтимоий барқарорлик бўлиб қайтади. Эътиборлиси, Ўзбекистонда сўнгги йилларда таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Шу билан бирга меҳнат бозорида мажбурий меҳнатга чек қўйилгани ҳам энг муҳим ижтимоий ютуқлардан бири бўлди. Пахта теримидаги мажбурий тизим бекор қилиниб, Халқаро меҳнат ташкилоти мониторингида бу амалиёт тугатилгани тан олинди. Бандлик марказлари, касб-ҳунарга ўқитиш дастурлари ва ўз-ўзини банд қилиш имкониятлари кенгайди, расмий ишсизлик 2025 йилда 4,8 фоиз атрофида бўлди. Ташқи меҳнат миграциясига энди фақат иш излаб чиқиш эмас, балки миллий ишчи кучи рақобатбардошлигини ошириш, мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва хорижда хавфсиз ишлаш механизми сифатида ёндашилмоқда. Камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2025 йилда 5,8 фоизгача пасайди. Жаҳон банки баҳосига кўра, шу даврда қарийб 3,7 миллион киши камбағалликдан чиқди. 2025 йилда аҳолининг реал умумий даромадлари 9,2 фоизга ўсди, миллионлаб фуқаролар янги даромад манбаларига эга бўлди.

Дарҳақиқат, иқтисодий ўсиш одамларнинг даромади, билими ва эркинлиги ўсганда ҳақиқий маънога эга бўлади.

Еттинчидан, инфратузилмаларни ривожлантириш ва рақамлаштириш жараёнларини фаоллаштириш ҳозирги глобаллашув даврида асосий тамойиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг «қон томирлари» сифатида эътироф этилаётган автомобиль йўллари, темир йўллар ва аэропортлар сўнгги йилларда катта ўзгаришни бошдан кечирди. Расмий хабарларга кўра, 2017–2025 йилларда 126,5 минг километрга яқин автомобиль йўллари реконструкция қилинди ва таъмирланди. Тезюрар поезд тармоғи кенгайиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши каби шаҳарларни боғламоқда. Ҳудудлараро йўл ва кўприклар юк ташиш вақтини қисқартирди. Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси бошланиши мамлакатни Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлашга хизмат қилади. Рақамлаштириш эса аҳоли ҳаётига энг тез кириб келган йўналиш бўлди. Интернет фойдаланувчилари сони 33,7 миллионга етди, интернетдан фойдаланиш даражаси 2021 йилдаги 76,6 фоиздан 2026 йилда 97,3 фоизгача ўсди. Электрон тижорат, масофавий хизматлар ва IT хизматлари экспорти ривожланди. БМТнинг Электрон ҳукумат тараққиёти индексида мамлакатимиз 87-ўриндан 63-ўринга кўтарилди. Рақамлаштириш яширин иқтисодиётни камайтириб, меҳнат унумдорлигини оширади ва маҳсулот таннархини пасайтиради. Бундан келиб чиқадики, яхши йўл ва тез ҳамда сифатли интернет бўлган жойда бизнес тезроқ ривожланади.

Кўриниб турибдики, иқтисодиётимиздаги бундай жадал ўзгаришлар ислоҳотларнинг ортга қайтмас тус олганидан далолат беради.

ЯХШИЛАР ЁДИ

СЎНГГИ УЧРАШУВ

Улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг синглиси, таниқли олима, жамоат арбоби, "Манас" ордени соҳибаси Роза (Розалетта) Тўрақуловна Айтматова 90 ёшида оламдан ўтди. Бундан атиги икки ой аввал шўролар тузуми қариндошлари бошига солган адоқсиз зарбаларни мардона енгиб ўтган, умрини илм-маърифат ривожига бағишлаган, ҳақсиз, адолатсиз ҳукмларга қарши курашдан чарчамаган бу жасоратли аёл билан маданият ходимларининг Бишкекда ўтказилган халқаро форумида учрашиб, суҳбатлашган, дилида ҳамон армонли ўкинч бўлиб ётган оғриқлар хусусида яна бир марта мушоҳада юритган эдик.

Роза Тўрақуловна аввалгидай тетик, бардам, ҳаракатчан эмас, аммо фикрлари тиниқ, адолатсиз ўтмишнинг қонли жиноятлари билан боғлиқ кўп саволлари ҳамон жавобсиз қолаётганидан афсусда эди.

Шўролар тузуми миллатнинг кўзга кўринган зиёлилари, жумладан, Тўрақул Айтматовни ҳам 1938 йили халқ душмани деб айблаб, отиб ўлдирганини йигирма йил онаси Нагима Ҳамзаевнадан, унинг муштипар болаларидан яшириб келди. Бу йиллар ичида улар бошига тош ҳам дош бера олмайдиган зулмлар тушди.

Роза Айтматова билан биринчи марта 2018 йили халқаро Иссиққўл форумида учрашганман. Унинг саволларига ўшанда ҳам, эндиликда ҳам жавоб қайтариш осон бўлмаган: "Отамни қайси айби учун отишди, гуноҳи нима эди? Ватанига, хизмат вазифасига садоқатими, эл-юрт равнақига бошқалардан кўра кўпроқ ҳисса қўшгани, илм-маърифатли бўлгани учунми? Бу мудҳиш жиноятни оиладан нега яширишди, нега бизни отамиз қабрига ҳеч бўлмаганда бир дона гул қўйишдан, руҳига бағишлаб тиловат қилишдан маҳрум қилишди?...

Орадан икки йил ўтгач, Бишкекда опа билан яна учрашдик. Роза хоним мени кўриб, акасининг Тошкентда чоп этилган қўш-қўш китобларини қўлимдан олар экан, энтикиш билан сўз бошлади: "Ўзбекистонда акамнинг ҳурматини жойига қўйибсизлар, Тошкентнинг катта кўчаларидан бирига Чингиз Айтматов номи берилибди, бюсти ўрнатилибди. Миллий университетда акам ижодини ўрганиш маркази ташкил этилибди, буни мана, сиздан эшитдим. Асарлари ўзбек тилида кўплаб чоп этилаётган экан, соғ-омон бўлсам, албатта, бориб кўраман. Акамга Алишер Навоий номидаги мукофот берилгани бизни ғоят хурсанд қилди. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёевдан чексиз миннатдор бўлдим. Дунё айланиб туради, дейишади. Қарангки, бир вақтлар Чингиз Айтматов ўзбекларни турли бўҳтонлардан ҳимоя қилган эди, мана, энди сизлар унинг хотирасини худди ўзбек фарзандидай эъзозламоқдасизлар. Раҳмат, аммо бугун мен сизга айтмоқчи бўлган гапим бошқа".

Роза опа нима демоқчилигини англаган бўлсам-да, фикрини бўлмадим. У Тошкентда чоп этилган "Икки элнинг азиз фарзанди" китобини варақлар экан, чуқур ўкинч билан давом этди: "Ҳар қандай одамнинг ҳам йўлини тўсишга, кайфиятини бузишга ҳаракат қиладиган ғаламислар бўлар экан. Бундайлар кураш майдонига ошкора чиқишмайди, пана-пастқам жойларда писиб ётиб, ўзларидан олдинга ўтиб кетган, эл-юртда обрў қозонган кишиларга тош отишади, бўҳтон, миш-мишлар тарқатишади. Уларнинг бу қилмишларидан акам ҳам бенасиб қолмади. Юздан ортиқ мамлакатларда китобхонлар, адабиётшунос олимлар, файласуфлар "Чингиз Айтматов ўз ҳалқи овозини, турмуш тарзини, орзу-умидларини дунёга таратди, миллий мавзуда асар ёзганда нималарга эътибор бериш кераклигини қўлланма мисол кўрсатиб берди", деб турганида ношудлар унинг бошига туҳмат тошларини ёғдиришди, миллатни шарманда қилди, ўз миллати қолиб, бошқаларни улуғлади, деган асоссиз иғволар акам бу дунёдан ўтгунича ҳам тинмади. Эсли-ҳушли одам шундай дейиши мумкинми? Афсуски, бундай иддаоларга қўшилганлар ҳам бўлди. Мана, энди улар акамнинг 100 йиллигига ҳам тош отишмоқда.

Опани юпатиш мақсадида Тошкентда Чингиз Айтматов асарларининг янги ўн жилдлиги чоп этилганини, биз ҳозирданоқ улуғ устоз таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик ишларини бошлаб юборганимизни айтдим ва... Чингиз Айтматов вафот этганида ёзган қуйидаги марсияни ўқиб бердим:

Бугун боши эгилди
Олатоғим, лолангни,
Йўқотиб қўйдингми-я
Тоғдай жўмард болангни.
Чингизим-ай, бовурим,
Кўкка ўрлар ҳовурим.
Бизни ташлаб кетдингми,
Айтар сўзингни айтиб,
Муродингга етдингми?
Қўбизимни созлайин,
Менинг айтарим тайин –
Бошинг кўтар, Тўлғаной,
Қаддингни тут, Жамила,
Ишқ оламин ёритдинг
Муҳаббатинг шами-ла.
Ҳаёт шундай яралган –
Яшаб бўлмайди ёвсиз.
Чингизга тош отдилар
Дўсту душман аёвсиз.
Ер экан-да, тўймайди
Ўз боласин жонига,
Қирғизимнинг Чингизи
Кетди Манас ёнига.
Йиғла қўбизим, йиғла,
Кўзингни ёшлаб йиғла,
Сўнди бир сўзга чечан,
Видони бошлаб йиғла.
Йиғла, йиғла, Тўлғаной,
Кўкда тўлин ой, йиғла,
Дўломоннинг қўлида
Қолган қонли ёй, йиғла.

Роза Айтматова ота-онаси ва акасини хотирлаб, "Тарихнинг оқ саҳифалари" номли китоб ёзди. Қуйидаги парча шу китобдан олинган:

"Бу воқеа 1957 йилнинг августида, отам (Тўрақул Айтматов) қамоққа олинганидан сўнг, орадан йигирма йил ўтгач содир бўлди. Чингиз акам оғриб қолганди ўшанда. Унинг касалланишига отамнинг тақдири, дўст-душманлар, маҳаллий раҳбарларнинг оиламизга бўлган совуқ муносабати сабаб бўлди. Шифокорлар буни кучли руҳий зўриқишдан дейишди. У пайтлари Фрунзе (ҳозирги Бишкек) кичкина шаҳар эди, ҳар қандай гап-сўз тез тарқаларди. Оиламизни ёқтирмайдиганлар хурсанд бўлаётганлари, вақти келиб Чингизни ҳам отасининг қисмати кутяпти, дея миш-миш тарқатаётган кимсаларни онам яхши биларди. Бу ҳолат уни даҳшатли қўрқувга солди. Яшашимиз оғирлашиб борарди. Шундай кунларнинг бирида онамнинг НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги)га бориб, юқори органларга ёзган мурожаатига жавоб олиш кераклиги тўғрисида хабар келди.

Бу пайтда Илгиз (катта ўғил) Москвада аспирантурада ўқир, Люция (оиланинг катта қизи) Кашир ГЭСида амалиёт ўтаётганди. Чингиз онамни ёлғиз жўнатишга қўрқиб, мени олдига чақирди:

– Сен энди катта қизсан, отамнинг хабарини билишга онам билан бирга борасан. Касал бўлмаганимда ўзим борардим. Кўряпсан, мен тўшакдан туролмайман. Онамнинг ёнида бўл, унга оғир бўлади, – деди.

Бу кун оиламиз учун энг оғир кунлардан бири бўлганини кейин тушуниб етганман. Онам иккинчи гуруҳ ногирони бўлгани боис юриши осон бўлмаса-да, ўша куни дардини унутгандай эди. Тез кийиниб, мени ҳам шошира бошлади:

– Қизим, тезроқ бўл.

Сталиннинг ўлимидан сўнг одамлар қамоқ лагерларидан уйларига кела бошлагандилар. Баъзилар тириклигини билдириб, оиласига хабар жўнатгани тўғрисидаги гап-сўзлар оилаларга умид бағишлади. Тирик қолганлар лагерлардан абгор ҳолда, аммо озод бўлиб қайтишаётган эди. Бу ҳолат онамга куч берди. Биз унга қараб, болаларининг кўзи олдида яхши томонга ўзгариб бораётганини сезардик. Яноқлари қизариб, кўзлари чақнаб,



кўнглида умид учқунлари пайдо бўлди, касаллигига қарамай, анча ҳаракатчан бўлиб қолди.

Автобусда НКВДга борар эканмиз, онам менга: "Биласанми, Роза, оталарингиз Сибирда ёки Узоқ Шарқда бўлиши мумкин.



ОПАНИ ЮПАТИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТДА ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИНИНГ ЯНГИ ЎН ЖИЛДЛИГИ ЧОП ЭТИЛГАНИНИ, БИЗ ҲОЗИРДАНОҚ УЛУҒ УСТОЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ БОШЛАБ ЮБОРГАНИМИЗНИ АЙТДИМ.

Ҳозир ўша тарафлардан кўпчилик уйига қайтяпти. Тирик бўлса, бас. Ҳатто, бошқа оиласи бўлса ҳам – майли. Асосийси – уни тирик кўрайлик... Сенларни кўриб қанчалар қувонишини тасаввур қиласанми? Афсуски, отангиз сизлар қандай вояга етганларингни кўрмади...

НКВД биносига яқинлашгач, онам умидга тўлган ҳолда шахдам ичкарига кирди, мен эса ташқарида қолдим.

Бироздан сўнг эшик очилиб, остонада ранги девордай оқарган, сўлғин ва заиф онам кўринди. Унинг оёқлари мисоли пахтадан ясалгандек букилиб, зўрға юриб келарди. Бироз аввалги тетиклигидан асар ҳам қолмаганди. Кўзларини ёритган чақноқ олов сўниб, ўрнида ғамгин бўшлиқ қолганди, холос.

Юрагим бир нимани сезгандай, худди унга игна санчилгандек, зирқираб кетди. Қўрқинчли ва ўнглаб бўлмайдиган кор-ҳол юз берганини англаб, турган жойимда қотиб қолдим. Онам индамай, титроқ қўллари билан менга икки варақ қоғоз узатди. Бу отамнинг ўлимидан сўнг оқлангани тўғрисидаги маълумотнома ва унинг қачон ўлгани ёзилган қора хат эди.

Уларни ҳадиксирагандай қўлимга олдим, аммо анчагача ўқий олмадим. Ёқимсиз бир нима бўғзимга тиқилди. Ўқий бошладим, овозим титрарди: "...янгидан очилган ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳукм бекор қилинди ва Т. Айтматовга нисбатан қўзғатилган "иш" таркибида жиноят аломатлари бўлмагани сабабли тўхтатилди".

Ўлим ҳақидаги гувоҳномада "Вафот этган жойи – номаълум. Ўлим сабаби – номаълум", деган даҳшатли ёзув бор эди...

Онам мени бағрига босиб, синиқ овозда: "Уйга боргач, Чингизга ҳеч нима демаймиз, йиғламаймиз ҳам. Худо асрасин, бутунлай ётиб қолиши мумкин. Ҳозир унга осон эмас", деди. Бечора онам ўзини тутишга уринар, бироқ буни қийинчилик билан уддалаётгани кўриниб турарди. Ҳаёт унинг бардошини яна бир бора синовдан ўтказаётганди.

– Лекин, ойи, бу бориб турган адолатсизлик-ку! – хитоб қилдим мен.

– Нима ҳам қилардик, тақдир шу экан, кўнишга тўғри келади. Энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди, – онам шу ҳолатда ҳам фарзандларини, отасидан хушхабар кутаётган Чингизни ўйлаб эзилаётган эди. Бу аччиқ қисмат билан яшаш, фарзандларини отасиз ўстириш қанчалар қийинлигини бундай кулфат бошига тушмаган киши тасаввур ҳам қилолмайди. Шунга қарамай, онам "Тўрақул тирик, у бир куни қайтиб келади, биз яна олдингидай тинч-омон яшаймиз", деган ишончни кўнглидан чиқармади. Муҳими – ҳақиқатни билди, "Халқ душманининг ўғли", деган айблов йўқ бўлди. Тўрақул халқ душмани бўлмаган, у бегуноҳ эди. Бу хабар Чингизнинг ҳаётида муҳим бурилиш бўлди: руҳий ҳолати яхшиланиб, оёққа тура бошлади.

Онамнинг хотирасига кўп адолатсизлик, машаққатли йилларнинг унутиб бўлмайдиган кўп воқеалари муҳрланган эди. Бир куни, СССР Олий Советига сайловлар ўтаётган пайтда онам овоз бериш учун сайлов участкасига келади. Уни кўрган колхоз раиси баланд овозда, ҳаммага эшиттириб:

– Қаранглар-а, халқ душманининг хотини бу ерда нима қилиб юрибди? – дейди.

– Овоз беришга менинг ҳуқуқим бор, – хотиржам жавоб беради онам.

Адолатсизлик оиламизга ҳамла қилиб турганида, бу зарба ҳаммамизга, айниқса, онамга оғир ботди. Чингиз ва Илгизни мактабга қабул қилиш қийин бўлганини эслади. Бу Дуйшен ўқиган мактаб эди.

Бир куни Илгиз уйга ғамгин келиб, бундан буён мактабга бормаслигини айтганида бу хабар онамни қаттиқ ташвишлантирди. Чингиз Октябрь инқилоби байрамида қатнашмагани учун ўқитувчиси уни совуқ кунда ечинтириб, синф бурчагига турғазиб қўйибди. Акам кийимлари ва ботинкаси ёмғирда ивиб кетгани учун байрамга бормаган экан.


Чингизни Сталин стипендиясидан маҳрум этишди, аспирантурага қабул қилишмади. Бу оиламиз учун аввалгиларидай оғир зарба эди. Не бахтки, бундай шароитда отамнинг акалари Алимқул, Рисқулбек, опалари Гулойим, Қорақиз амма ва унинг эри Дўстали бизни ёлғиз қолдиришмади. Қўлларидан келганича ёрдам беришди. Бу дунёда яхши одамлар ҳам бор, улар кўпчилик, шундай одамларнинг қўллаб-қувватлашлари оғир зарбаларни енгиб ўтишда онамга куч-қувват берди. Онам умрининг охиригача улардан мамнун бўлиб яшади..."

Роза Тўрақуловна билан хайрлашар эканман, опа менга қараб: "Акамни билган ва ҳурмат қиладиган барча-барчага, ёзувчи дўстларига мендан, оиламиз номидан салом айтинг, томири, тили, дини бир халқларни бир-бирига яқинлаштириш, яхши қўшничилик учун тинмай меҳнат қилаётган ҳурматли Шавкат Мирзиёевдан миннатор эканлигимни билдиринг, умрлари узоқ бўлсин", деди.

Яна кўришишни ният қилдик. Аммо... бу суҳбатимиз менинг опа билан сўнгги мулоқотим эканлиги хаёлимга ҳам келмаган эди.

Охиратлари обод бўлсин.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ҲИКМАТЛАРИ

Дўстлар фақат оғир кунда эмас, балки қувончда ҳам билинади. Сабаби, ўзганинг муваффақияти ва бахтидан чин дилдан қувона олиш фақат ҳақиқий дўстнинг қўлидан келади.

* * *

Яхшилик йўлда ётган нарса эмас, уни тасодифан топиб ололмайсан. Инсон яхшиликни инсондан ўрганади.

* * *

Муҳаббат ва дўстлик — инсон руҳиятини юксакликларга кўтарадиган икки қанотдир.

* * *

Дунё жуда кичик, унда яшаётган инсоният эса бир оиладек гап. Агар биз қардошлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини узиб қўйсак, ўз келажагимизни хавф остига қўйган бўламиз.

* * *

Агар инсоният тинчликда яшашни ўрганмаса, у ҳалок бўлади.

* * *

Инсон учун энг қийини — ҳар куни инсон бўлиб қолишдир.

* * *

Ўзбекистон – қалбим менинг. Бу шундай ажойиб макон. Ўзбекистон - маданият бешиги.

ОГОҲЛИК

АТОМДАН-ДА ХАВФЛИ ҚУРОЛ



ОНГИМИЗ УЧУН КЕЧАЁТГАН КЎРИНМАС ЖАНГ

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Инглизларда шундай бир машҳур ибора бор: «Ҳақиқат этигини кийиб улгурмасидан, ёлғон дунёнинг ярмини айланиб чиқади». Бугун бу ёлғонга дунёни айланиб чиқиши учун сониялар кифоя қилмоқда. Қўлимиздаги смартфон экранида айланаётган 15 сониялик видео, битта сохта аудио ёки жарангдор сарлавҳа — бир инсоннинг тақдирини барбод қилиши, минглаб одамларни ваҳимага солиши ёки бутун бир жамиятни қарама-қарши қутбларга ажратиб юбориши учун етарли бўлиб қолди.

Ахборот манипуляцияси шундай кўринмас кишандирки, унинг қурбони ўз қарорларини мустақил қабул қиляпман, ўзим тўғри хулоса чиқаряпман, деб ўйлайди. Хўш, биз бу кўринмас таъсир доирасига қандай қилиб тушиб қоляпмиз? Нега ҳатто зиёли, ўқимишли қатлам ҳам баъзан навбатдаги ахборот хуружининг тузоғига осонгина илинмоқда?

КЕСИЛГАН ҲАҚИҚАТ ЁХУД КОНТЕКСТ ҚУРБОНЛАРИ

Замонавий ахборот хуружларининг энг маккор ва хавфли жиҳати шундаки, улар сизга ҳар доим ҳам очиқдан-очиқ ёлғон гапиравермайди. Улар «ярим ҳақиқат» қуролидан фойдаланади — фактнинг фақат бир четини юлиб олиб, унга бутунлай бошқача, кўпинча провокацион тус беради. Ижтимоий тармоқларда кенг оммалашган, бугунги куннинг «урф»ига айланган «контекстдан юлиб олиш» усули фикримизнинг яққол далилидир.

Манипуляторлар инсон психологиясини жуда яхши билишади: биз узун, таҳлилий гаплардан кўра, қисқа, жаҳлимизни чиқарадиган ёки ғуруримизга тегадиган парчаларга тезроқ реакция билдирамиз. Демак, контекст қурбонлари — фақатгина нутқи кесиб ташланган ўша шахслар эмас. Асосий қурбон — шу 10 сониялик ёлғонга ишониб, ўз асабини, вақтини сарфлаётган ва жамиятдаги ўзаро ҳурмат, соғлом мушоҳада туйғуларини йўқотаётган оддий ахборот истеъмолчиларидир.

ФИРИБГАРЛИКНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ

Бугунги кундаги ахборот манипуляциясининг энг таҳликали, мураккаб кўринишларидан яна бири — дипфейклар (сунъий интеллект ёрдамида юксак аниқликда сохталаштирилган видео ва овозлар) дир. Инсоният азалдан «кўз билан кўрган ва қулоқ билан эшитган» нарсасига ишонишга мойил. Замонавий технологиялар эса айнан мана шу табиий ишонч туйғусига зарба бермоқда.

Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, таниқли жамоат арбоблари, машҳур санъаткорлар, кўп кузатувчига эга блогерлар ёки йирик тадбиркорларнинг аҳолини «фалон платформага пул тикиб, қисқа муддатда бойиб кетишга» ундаётган ўта ишончли кўринишдаги видеоларига тез-тез кўзингиз тушади. Фирибгарлар бу орқали аҳолининг таниқли шахсларга ёки расмий идораларга бўлган ишончидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланмоқда. Ҳатто, расмий телеканаллар бошловчиларининг овози ва қиёфасини сунъий интеллект ёрдамида жонлантириб, «давлат томонидан ҳар бир фуқарога 2 миллион сўмдан моддий ёрдам пули тарқатиляпти» деган сохта хабарлар яратилди. Бундай виртуал ўғрилик оқибатида қанчадан-қанча соддадил фуқароларимиз ёлғон ваъдаларга учиб, пластик карталаридаги бор маблағидан, йиллар давомида мисқоллаб йиққан пулларидан айрилиб қолмоқда.

Бундай технологик манипуляциялар жамият учун нафақат молиявий, балки жиддий маънавий ва ижтимоий хавф туғдиради. Филология фанлари доктори, доцент Беруний Алимов ушбу ҳолатни бугунги замонавий цивилизациянинг энг глобал муаммоларидан бири сифатида шундай баҳолайди:

— Сунъий интеллект ёрдамида генерация қилинадиган ахборотларнинг кўпайиб кетиши дезинформациянинг кескин ошишига сабаб бўляпти. Бу ахборотларнинг аксарияти манипулятив таъсирга эга бўлиб, улар жамиятнинг ривожланишига эмас, аксинча, турли зиддиятлар ва тушунмовчилик пайдо бўлишига замин яратяпти. Бундан ташқари, атайлаб қилинмайдиган, аммо зарарли бўлган «мисинформация»лар, яъни хайплар ва мавзуга умуман алоқадор бўлмаган ёлғон сарлавҳалар орқали чалғитиш ҳолатлари ҳам авж олмоқда.

Шу ўринда олим энг оғриқли нуқталардан бирига эътибор қаратади:

манипулятив ва сохта ахборот тарқатадиган шахсларга нисбатан қонуний чора кўриш амалиёти ҳали тўла такомиллашмаган. Виртуал оламнинг чегарасизлиги ва технологияларнинг қонун ижодкорлигидан кўра тезроқ ривожланаётгани бунга асосий сабабдир. Биз ахборотни тўлиқ чеклаб ёки блоклаб қўйиб бўлмайдиган очиқ маконда яшаяпмиз. Шу боис, ҳар биримиз медиасаводхонлигимизни оширишимиз, кўзга ялтираб кўринган ҳар қандай хабарга совуққонлик билан ёндашишни ўрганишимиз зарур. Ахборотнинг оқини қорасидан, фойдалисини зарарлисидан мустақил ажрата олиш бугунги жамиятда энг муҳим ҳаётий кўникмага айланиши керак.

НИШОНДАГИ ҲИССИЁТЛАР

Манипуляторлар нега айнан бизни осонгина тузоққа туширади? Бунинг сири оддий: психологияда исботланган қоида бор — инсон кучли ҳиссиёт таъсирига тушганда, унинг танқидий фикрлаш ва мантиқий таҳлил қилиш қобилияти автоматик равишда пасаяди. Ахборот фирибгарлари инсон табиатининг мана шу нозик нуқтасини жуда яхши билишади ва тўғридан-тўғри ҳиссиётларимизга — қўрқув, ғазаб, тез бойиб кетиш илинжи ёки раҳм-шафқат туйғуларига зарба беришади.

Ижтимоий тармоқлардаги оғир хасталикка чалинган гўдакларнинг суратлари илова қилинган ёлғон хайрия эълонлари (раҳмдилларни алдаш), яқин соатларда кучли зилзила бўлиши ҳақидаги ваҳимали миш-мишлар (қўрқув уйғотиш) ёки диний-экстремистик оқимларнинг одамлар эътиқоди билан ўйнашувчи даъватлари фикримизнинг яққол тасдиғидир. Улар бизга ўйлашга, маълумотни текширишга вақт қолдирмайди, дарҳол реакция билдиришга (пул ўтказишга ёки хабарни бошқаларга тарқатишга) мажбур қилади.

ЎзЖОКУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори Нозима Муратова бундай манипуляцияларнинг энг хавфли томони уларнинг «манзилли» эканида деб ҳисоблайди:

— Ахборот манипуляцияси натижасида жамиятда бутунлай нотўғри фикр ва тасаввурлар шаклланиши мумкин. Ушбу жараённи амалга оширувчи медиа каналлар ёки алоҳида шахслар кўп ҳолларда ўзининг мақсадли аудиториясини, уларнинг ижтимоий ҳолати ва психологиясини олдиндан яхши билади. Улар аудиториянинг қизиқишларини аниқ мўлжалга олиб, ўзининг манипулятив ахборотини худди ҳақиқатдек сингдиради. Агар материал моҳирона, психологик усуллар билан тайёрланган бўлса, унинг манипулятив технология асосида яратилганини бир қарашда англаш деярли мумкин эмас. Шу сабабли инсон муҳим бир қарор қабул қилишида ёки жамоатчилик муносабати шаклланишида бу кўринмас таъсир остида қолиб кетганини ўзи ҳам сезмайди. Бу эса бугунги ахборот жамиятидаги энг хавфли, энг жадал ривожланаётган ва инсон иродасини четлаб ўтувчи технологиялардан бири саналади.

ҚОНУН БОР, ЛЕКИН...

Албатта, бундай таҳдидлар олдида давлат қараб тургани йўқ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ёлғон ахборот тарқатганлик, ваҳима уйғотганлик ва жамиятда нотўғри фикр шакллантиришга уринганлик учун аниқ ҳуқуқий жавобгарлик нормалари белгилаб қўйилган. Қонуний базамиз мустаҳкам. Бироқ тан олиш керакки, виртуал оламнинг ўзига хос чегарасизлиги ва анонимлиги бу қонунларнинг ишлаш механизмини жиддий равишда қийинлаштирмоқда.

Реал ҳаётда жиноятчининг изи, гувоҳи бўлса, рақамли маконда фирибгар кўпинча биргина IP-манзил ёки сохта профил ортига яширинган «шарпа»га айланади.

Серверлари хорижда жойлашган, эгаси кимлиги номаълум бўлган Telegram-каналлар ёки минглаб сохта ботлар («троллар фабрикаси») орқали жамиятга нифоқ солаётганларни тезкор топиш ва жазолаш ўта мураккаб, баъзан эса узоқ вақт талаб этадиган жараёндир. Бу ўзига хос нотенг кураш: битта ёлғон ёки ваҳимали хабарни яратиш ва тарқатиш учун манипуляторга бир неча сония кифоя қилса, ҳуқуқ-тартибот органларининг бу хабар манбасини аниқлаши, исботлаши ва чора кўриши учун ойлаб вақт кетиши мумкин. Унгача эса ёлғон ўз ишини қилиб, минглаб одамларнинг онгини заҳарлаб улгуради.

Шундай экан, бу кўринмас урушда энг асосий ва ишончли қалқон — инсоннинг ўзидир. Онгу шууримизда ёлғон ахборотга қарши мустаҳкам «иммунитет» ҳосил қилмас эканмиз, ўқиган ёки кўрган ҳар қандай шов-шувли хабарни ички тарозимизга солиб, танқидий фикрлашни (фактчекинг) кундалик одатимизга айлантирмас эканмиз, манипуляторларнинг итоаткор қўғирчоғи бўлиб қолаверамиз.

Ахборотни истеъмол қилиш ҳам худди озиқ-овқат истеъмолидек қатъий гигиенани талаб қилади. Бозорга борганда маҳсулотнинг яроқлилик муддатини, сифатини текшириб олганимиз каби, интернетдан келаётган маълумотнинг ҳам манбасига, мантиғига ва мақсадига эътибор қаратишимиз шарт. Виртуал маконда нима беришса, шуни чайнамасдан ютиб юбориш — охир-оқибат маънавий ва руҳий заҳарланишга олиб келиши муқаррар.

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ИЧИМЛИК СУВИ ТЎЛОВИДАН ҚАРЗДОРЛАР УЙИДА ЭНДИ ЧИРОҚ ЁНМАЙДИ...МИ?

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларида тариф сиёсати, ечимини кутаётган масалалар ва истиқболдаги режалар” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда “Ўзсувтаъминот” АЖ раҳбарияти ва соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Инсон ҳаёти учун энг зарур неъматлардан бири – бу ичимлик суви, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари в.б. Ислом Абдуллаев. – Аммо унинг хонадонгача етиб келиши ортида қанча меҳнат, энергия ва маблағ сарфланишини кўпчилик билмайди. Сув манбасидан истеъмолчигача бўлган масофа, насос станциялари, минглаб километр қувурлар, уларни таъмирлаш ва янгилаш зарурати — буларнинг барчаси ичимлик суви таъминоти тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу боис сув тарифи фақат бир куб метр ичимлик суви учун белгиланган тўлов эмас, балки у, аввало, аҳолига узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатиш, мавжуд инфратузилмани сақлаш ҳамда уни ривожлантириш имкониятларини белгилайдиган иқтисодий омилдир.

Бир куб метр ичимлик суви таннархида иш ҳақи харажатлари 29 фоизни, электр энергияси 27 фоизни, кредитларни қайтариш 15 фоизни, жорий ва мукаммал таъмирлаш 10 фоизни, амортизация ҳамда бошқа харажатлар 19 фоизни ташкил этади. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, электр энергияси сув таъминоти тизимидаги энг йирик харажатлардан бири. Шунинг учун ҳам унинг нархидаги ҳар қандай ўзгариш сувни етказиб бериш таннархига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу ўринда яна бир фикр. Республика бўйича ичимлик суви тарифларига назар ташласак, ҳудудлар ўртасида сезиларли фарқ бор. Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли учун бир куб метр сув 1 минг 400 сўм бўлса, Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 6 минг 800 сўмни ташкил этади. Хўш, нима учун бир мамлакатнинг ўзида сув нархи бунчалик фарқ қилади?

Бунинг асосий сабаби ҳудудларнинг табиий-географик шароити ва сувни истеъмолчига етказиб бериш харажатлари билан боғлиқ. Айрим жойларда сув манбалари аҳолига яқин бўлса, бошқа ҳудудларда уни юзлаб километр масофадан олиб келишга тўғри келади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасига ичимлик суви Туямўйин сув омборидан, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларига эса “Дамхўжа” сув иншоотидан етказиб берилади. Қашқадарё вилоятининг айрим ҳудудларида ҳам сув 150-200 километргача бўлган магистрал қувурлар орқали узатилади. Бунда масофанинг узоқлиги билан бирга, сувни насослар ёрдамида кўтариш, электр энергияси сарфи ва қувурларнинг техник ҳолатини сақлаш харажатлари ҳам ортиб боради. Аҳоли зичлиги ҳам муҳим: шаҳарда бир километр тармоқ юзлаб хонадонга хизмат кўрсатса, аҳоли сийрак жойлашган қишлоқларда бу кўрсаткич анча паст бўлиши мумкин. Демак, тарифлар ўртасидаги фарқ шунчаки нарх белгилашдаги тафовут эмас, балки сувни олишдан тортиб истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёндаги харажатлар натижасидир.

Маълумотларга кўра, республика бўйича аҳоли учун ичимлик сувининг ўртача тарифи бир куб метр учун 3 минг 765 сўмни, қўшилган қиймат солиғи билан 4 минг 217 сўмни ташкил

АНЖУМАН



этади. Оқова сув хизматининг ўртача тарифи эса 2 минг 8 сўм. Тошкент шаҳрида бир литр водопровод суви истеъмолчига атиги 1 сўм 40 тийинга тушади. Дўконларда эса бир литр қадоқланган сувнинг ўртача нархи 4 минг сўм атрофида.

Бу таққослаш сув таъминоти хизматининг аҳоли учун қанчалик арзон эканини кўрсатади. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор: тарифлар сувни етказиб бериш, тармоқларни сақлаш ва таъмирлаш харажатларини қоплаши лозим. Акс ҳолда, корхоналарнинг мавжуд инфратузилмани янгилаш имконияти чекланади. Шу сабабли тарифларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда. 2026 йил 1 июнда электр энергияси нархи ошганидан кейин ҳудудий корхоналар томонидан янги таклифлар киритилди. 27 октябрь ҳолатига кўра, олтита корхонада тарифлар тасдиқланган, яна ўнтасида жараён давом этмоқда.

Шу билан бирга, тарифларни қайта кўриб чиқиш жараёнининг кечикиши ҳам тизим учун қўшимча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки электр энергияси ва бошқа ресурслар нархи ошган шароитда аввалги тарифлар бўйича ишлаш корхоналарнинг қўшимча харажатларини қоплаш имкониятини чеклайди.

Анжуманда соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тарифларни белгилаш жараёнини такомиллаштириш ва корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги тизимга ўтилаётгани ҳақида ахборот берилди. Яъни 2027 йил 1 январдан ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларини тасдиқлаш ваколати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясига ўтказилади. Бу орқали тарифларни алоҳида ҳудудлар кесимида эмас, ягона иқтисодий мезонлар асосида кўриб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2027 йил 1 апрелдан бюджет ташкилотлари учун ягона тариф жорий этилади.

Тадбир якунида журналистлар соҳа мутахассисларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди.

Дарвоқе, Ўзбекистонда 2027 йил 1 январдан ичимлик суви ва канализация хизматларидан қарздорлигини тўламаган истеъмолчиларнинг электр учун тўлов қилиш имконияти чекланиши мумкин. Бироқ бу чеклов қарз пайдо бўлиши билан дарҳол эмас, нотариус ёки суд орқали ундирув жараёни ўтказилганидан кейингина қўлланади. Ушбу тартиб "Ижтимоий реестр"га киритилган оилаларга нисбатан қўлланилмайди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган, кабинет ва иш столлари учун мўлжалланган табиий ёғоч, металл ва махсус қопламалардан тайёрланган 50 дона органайзер тўпламини тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар 2026 йил 18 ноябрь куни соат 12.00 га қадар тижорат таклифларини қуйидаги манзил бўйича юборишлари мумкин.

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.
Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-19-73.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Кўкдала ХДП туман кенгаши жамоаси халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси

Азамат ХУДОЁРОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

MUASSIS:
O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 3700 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:00
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.